

## КУРАШНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ТАКТИК ЖИҲАТЛАРИ

**Тўраев Фарруҳ Ҳаким ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Малака ошириши институти жисмоний тайёргарлик цикли

катта ўқитувчиси

[farruxtorayev555@gmail.com](mailto:farruxtorayev555@gmail.com)

**Аннотация:** Мазкур мақолада курашда жисмоний ва тактик тайёргарликнинг аҳамияти таҳлил қилинади. Курашчилар учун зарур бўлган жисмоний қобилияtlар ва уларни ривожлантириши усуллари кўриб чиқилади. Шунингдек, самарали тактик усуллар, рақибнинг ҳаракатларини таҳлил қилиши ва галаба қозонии стратегияларини шакллантириши масалалари ёритилади. Курашчиларнинг юксак натижаларга эришиши учун жисмоний ва тактик тайёргарлик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик таъкидланади.

**Калим сўзлар:** кураш, жисмоний тайёргарлик, тактик тайёргарлик, спорт методикаси, галаба қозонии стратегияси, рақиб таҳлили, техника, тезлик, чидамлилик, мувозанат.

## ФИЗИЧЕСКИЕ И ТАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ БОРЬБЫ

**Тураев Фарруҳ Ҳаким угли**

Старший преподаватель цикла физической подготовки

Институт повышения квалификации МВД Республики Узбекистан

[farruxtorayev555@gmail.com](mailto:farruxtorayev555@gmail.com)

**Аннотация:** В данной статье анализируется значение физической и тактической подготовки в борьбе. Рассматриваются необходимые для борцов физические способности и методы их развития. Также освещаются вопросы эффективных тактических приемов, анализа действий противника и формирования стратегий победы. Подчеркивается взаимосвязь между

физической и тактической подготовкой борцов для достижения высоких результатов.

**Ключевые слова:** борьба, физическая подготовка, тактическая подготовка, спортивная методика, стратегия победы, анализ соперника, техника, скорость, выносливость, равновесие.

## **PHYSICAL AND TACTIC ASPECTS OF WRESTLING**

**Turaev Farrukh Hakim ugli**

Senior teacher of physical training cycle

Institute for Advanced Studies of the Ministry of Internal Affairs

of the Republic of Uzbekistan

[farruxtorayev555@gmail.com](mailto:farruxtorayev555@gmail.com)

**Abstract:** This article analyzes the importance of physical and tactical training in wrestling. Physical abilities necessary for wrestlers and methods of their development are considered. Issues of effective tactical methods, analysis of the opponent's actions, and the formation of winning strategies are also covered. The interrelationship between physical and tactical training for achieving high results is emphasized.

**Keywords:** wrestling, physical training, tactical training, sports methodology, winning strategy, opponent analysis, technique, speed, endurance, balance.

### **КИРИШ**

Кураш – нафақат жисмоний куч, балки ақл ва стратегия талаб қилувчи миллий спорт туридир. Унда юқори натижаларга эришиш учун спортчилар жисмоний қобилиятларини ривожлантириши, шу билан бирга, рақибнинг харакатларини таҳлил қилиш ва самарали тактик усулларни қўллай олиши лозим. Жисмоний тайёргарлик курашда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Курашчида қўйидаги асосий жисмоний хусусиятлар яхши ривожланган бўлиши лозим:

Куч – курашиш пайтида рақибни бошқариш, мувозанатни бузиш ва


таъсирчан техник ҳаракатларни бажариш учун муҳим.

Тезлик – хужум ва ҳимояда тез қарор қабул қилиш ҳамда ҳаракатларни бажаришда устунлик беради.

Чидамлилик – узоқ давом этадиган беллашувларда юқори темпни сақлаб қолиш имконини беради.

Мувозанат – рақибнинг хужумларига қарши турға олиш ва ўз хужумларини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур.

Диаграмма №1. Курашда жисмоний қобилиятларнинг аҳамияти.



Ёнбошлиқ ва мускуллар пластикаси – техник ҳаракатларни самарали бажаришда муҳим аҳамият касб этади. Жисмоний тайёргарликка қўшимча равиша, тактик тайёргарлик ҳам юқори даражада бўлиши керак.

Курашда тактика – бу рақибнинг кучли ва заиф жиҳатларини таҳлил қилиш, жанг давомида самарали стратегия танлаш ва уни амалга ошириш санъатидир. Самарали тактик тайёргарлик қўйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

- ✓ Рақиб таҳлили – унинг кучли ва заиф томонларини ўрганиш, қайси услубда жанг қилишини олдиндан тахмин қилиш.

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

- ✓ Муайян ғалаба қозониш стратегиясини ишлаб чиқиш – хужум ва ҳимоя тактикаларини тўғри танлаш. Масалан, агар рақиб жуда тезкор бўлса, унинг ҳаракатларини чеклаш тактикалари қўлланилиши мумкин.
- ✓ Муваффақиятли техник ҳаракатларини танлаш – рақибга қараб қайси усуллар самаралироқ бўлишини аниқлаш ва уларни ўз вақтида ишга солиши.
- ✓ Рефлекс ва қарор қабул қилиш тезлигини ривожлантириш – беллашув пайтида тез ва тўғри қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантириш.

Жисмоний ва тактик тайёргарликнинг ўзаро боғлиқлиги жуда муҳим. Ҳатто энг кучли ва чидамли курашчи ҳам нотўғри тактик йўналиш танласа, рақибга имконият беради. Шунингдек, юқори даражадаги тактик билимларга эга бўлган спортчи жисмоний тайёргарлиги заиф бўлса, унинг самарадорлиги паст бўлиши мумкин.

### **ХУЛОСА**

Курашчилар учун муваффақиятга эришишда жисмоний ва тактик тайёргарлик бир-бирига боғлик ва мукаммал ривожланган бўлиши лозим. Беллашувларда юқори натижаларга эришиш учун спортчилар жисмоний қобилиятларини доимий равища ошириб боришлари ва рақибга мос равища тактик стратегияни тўғри танлашни ўрганишлари зарур.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Ашурев Х. Курашда жисмоний тайёргарлик асослари. Тошкент, 2020.
2. Қодиров Б. Курашда тактик тайёргарлик ва стратегиялар. Тошкент, 2019.
3. Назаров Ш. Миллий спорт турлари ва уларнинг жисмоний тарбиядаги ўрни. Самарқанд, 2021.
4. Жўраев М. Спорт психологияси: курашда ғалаба учун руҳий тайёргарлик. Бухоро, 2023.